

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ЌУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**  
**ЊУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.A.11.02.РАЌАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРЌАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ЌУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**АБДУРАИМОВ ШЕРЗОД МУРАТКУЛОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИНИ**  
**ТАЪМИРЛАШ ВА ЌАЙТА ТИКЛАШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**  
**(Самарқанд шаҳри мисолида)**

**18.00.01 - Архитектура назарияси ва тарихи.**  
**Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**УДК: 725.731(57)**

**Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии  
(PhD) по архитектуре**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy  
(PhD) on architecture**

**Абдураимов Шерзод Мураткулович**

Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклашнинг  
асосий тамойиллари (Самарқанд шаҳри мисолида)..... 3

**Абдураимов Шерзод Мураткулович**

Основные принципы реставрации и реконструкции архитектурных  
памятников Узбекистана (на примере г.Самарканда)..... 22

**Abduraimov Sherzod Muratkulovich**

Basic principles of restoration and reconstruction of architectural monuments of  
Uzbekistan (on the example of Samarkand)..... 46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 49

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.А.11.02.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**АБДУРАИМОВ ШЕРЗОД МУРАТКУЛОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИНИ  
ТАЪМИРЛАШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ  
(Самарқанд шаҳри мисолида)**

**18.00.01 - Архитектура назарияси ва тарихи.  
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент –2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/A49 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtoref.html>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

Уралов Ахтам Синдарович  
архитектура фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

Салимов Орифжон Муслимович  
архитектура фанлари доктори, профессор

Гильманова Нафиса Валиахметовна  
архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етақчи ташкилот:**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
Хоразм Маъмуни академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.03/03.12.2019.A.11.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 26 12 соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 7В-уй. Архитектура факультети мажлислар зали. тел.: +99871 237-11-37, факс: +99871 234-15-11. Web: [www.taqi.uz](http://www.taqi.uz), E-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz))

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (22 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй. тел.: +99871 234-60-16).

Диссертация автореферати 2020 йил 18 12 куни тарқатилди.  
(2020 йил 18 12 даги 25 рақамли реестр баённомаси).



*[Handwritten signature]*

**Д.А. Нозилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, арх.д., профессор

*[Handwritten signature]*

**Т.Ш. Маматмусаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, арх.ф.д.

*[Handwritten signature]*

**Т.А. Хидоят**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, арх.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда маданий мерос ва архитектура ёдгорликларини сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасида эътиборга лойиқ амалий ишлар амалга оширилмоқда. БМТ, ЮНЕСКО, ICOMOS каби нуфузли ташкилотлар томонидан маданий меросни сақлаш ва уларни келгуси авлодга етказишга доир - Бутун жаҳон маданий ва табиий меросини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (1972), Тарихий шаҳарларни ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро хартия (Вашингтон хартияси, 1987), Обидаларни, иншоотлар гуруҳини ва диққатга сазовор жойларни рўйхатга олишнинг асосий қонун-қоидалари (1996), Таҳлил қилиш, консервация ва меъморий меросларнинг тузилишини қайта тиклашнинг асосий қонун-қоидалари (2003), Маданий меърос ҳисобланган тузилма, объект вайроналарининг атрофини сақлаб қолиш тўғрисидаги Сиан декларацияси (2005) каби халқаро ҳужжатларнинг<sup>1</sup> қабул қилиниши бу соҳанинг нақадар муҳимлигини кўрсатиб турибди.

Жаҳон миқёсида тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва улардан оқилона фойдаланиш юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларда меъморий обидаларни сақлаш ва умрбоқийлигини ошириш йўллари такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бу борада ушбу соҳадаги меъёрий ҳужжатларнинг тўлақонли шакллантирилмаганлиги ҳамда тарихий архитектура ривожининг истиқболли йўналишлари комплекс тарзда ўрганилмаганлиги ёдгорликларни самарали таъмирлаш босқичларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш йўллари ривожлантириш ва улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш соҳасида кўплаб муаммоларни юзага чиқармоқда. Жумладан, олиб борилаётган илмий тадқиқотларда тарихий ёдгорликлар барқарорлигини таъминлаш, меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта қуришнинг асосий тамойилларини яратиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда тарихий шаҳарларни ва ёдгорликларни қайта қуриш, меъморий таъмиршуносликни янада такомиллаштириш, обидаларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш асосида туризм имкониятларини ошириш борасидаги тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда. “Маданий мерос объектлари халқнинг бебаҳо бойлиги, уларни асраш ва авлодларга безавол етказиш барчамизнинг бурчимиздир<sup>2</sup>”. Бугунги кунда маданий мерос объектларининг режавий тузилиши, қурилиш конструкциялари ва материалларидаги ноёб жиҳатларни тадқиқ этиш, ёдгорликларнинг ўзига хос композицион услубларини аниқлаш, уларнинг назарий асосларини яратиш, таъмирлаш ва қайта қуриш ишларида замонавий услублардан фойдаланиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup> Список всемирного наследия ЮНЕСКО: <http://whc.unesco.org/en/list>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлис палаталари, сиёсий партиялар билан бўлган йиғилишдаги маърузаси. «Халқ сўзи» – 2017. – 13 июль. №137 (6831).

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 16 январдаги Ф-5181-сон “Моддий-маданий ва археологик мерос объектларини сақлаш ва улардан фой-даланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармойиши, 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5408-сон “Қурилиш Вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 1021-сонли “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги қарори ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқод муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур мавзу бўйича мустақиллик йилларида баъзи олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган, лекин шу соҳада чоп этилган илмий материалларнинг аксарияти собиқ Иттифоқ даврига тўғри келади. Ушбу даврда бажарилган илмий ишлар муаллифлари ўз даврининг етук мутахассислари ҳисобланиб, уларнинг ишлари асосан монографиялар, илмий мақолалар, тезислар тарзида тўплам ва журналларда чоп этилган. Ушбу муаллифлар қаторига М.Е.Массон<sup>3</sup>, Г.А.Пугаченкова<sup>4</sup>, Б.Н.Засыпкин<sup>5</sup>, Л.И.Ремпель<sup>6</sup>, Е.В.Михайловский, Б.А.Ржаницын, И.И.Ноткин<sup>7</sup>, П.Ш.Зоҳидов<sup>8</sup>, К.С.Крюков<sup>9</sup>, Х.К.Богодухов, А.Ф.Мухитдинов<sup>10</sup>, Б.В.Шварцларни<sup>11</sup> киритиш жоиздир. Мазкур илмий ишларда меъморчилик, таъмиршунослик, обидаларни муҳофаза қилиш, сақлаш ва бошқа соҳаларга доир собиқ совет даври амалиёти бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари мужассамлашган.

Мустақиллик йилларида мавзуга доир нашр этилган илмий ишларга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Масалан, соҳа мутахассисларининг илмий ишлари қаторига С.С.Подьяпольский, Г.Б.Бессонов, Л.А.Беляев,

<sup>3</sup> Массон.М.Е. Падающий минарет (северо-восточный минарет Самарканд-ского медресе Улугбека). -Ташкент, 1968.

<sup>4</sup> Пугаченкова Г.А. Архитектурные руины-реставрация или консервация? // Архитектура и строительство Узбекистана. 1995 №12. -С. 37-39.

<sup>5</sup> Засыпкин .Б.Н. Памятники архитектуры Средней Азии и их реставрация // Вопросы реставрации. Сб.ЦГРМ.-М., 1926.

<sup>6</sup> Ремпель.Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана. –Ташкент, 1961.

<sup>7</sup> Михайловский.Е.В., Ржаницын.Б.А., Ноткин.И.И.Реставрация памятников архитектуры [развитие теоритических концепции]. – М., 1971.

<sup>8</sup> Зоҳидов.П.Ш. Зеб ичра зийнат. –Тошкент, 1895.

<sup>9</sup> Крюков.К.С. Организационные формы охраны и реставрации памятников архитектуры Узбекистана (1920-1990гг.) // Архитектура и строительство Узбекистана. 1991. № 2. -С. 12.

<sup>10</sup> Богодухов А.К., Мухиддинов А.Ф. Исследование и реставрация комплекса Сайфетдина Бохарзи и Буян-Кулихана в Бухаре // Архитектура и строительство Узбекистана. 1977. №1.

<sup>11</sup> Шварц.Б.В. Исследования и реставрация мечети Гаукашон в Бухаре // Строительство и архитектура Узбекистана. 1977. №3.

Т.М.Посникова<sup>12</sup>ларнинг “Реставрация памятников архитектуры” (1998 й.) китоби, Ш.Д.Асқаровнинг<sup>13</sup> обидаларни таъмирлаш ва реконструкциялаш ҳақидаги қатор мақолаларини, Х.Ш.Пўлатов, А.С.Ураловларнинг<sup>14</sup> “Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта қуриш” (2002 й.) китоби, М.Қ.Ахмедовнинг<sup>15</sup> “Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи” китоби (1995 й.), П.Ш.Зоҳидовнинг<sup>16</sup> “Меъмор олами” китоби (1998 й.), М.А.Юсупова<sup>17</sup>, Т.Ш.Ширинов, В.Рузанов, М.Реутова<sup>18</sup>, Б.М.Усмонов<sup>19</sup>, А.Р.Рахмонов<sup>20</sup>, М.А.Набираева, Ф.И.Набираев<sup>21</sup>ларнинг илмий журналлар ва рўзномаларда чоп эттирган ишларини, Д.Низаметдинова<sup>22</sup>, К.Абдурашидов<sup>23</sup>, В.Сидоренконинг<sup>24</sup> интернет сатрларига жойлаштирган мақолаларини келтиришимиз мумкин. Тарихчи Р.Б.Абриев<sup>25</sup> ҳам ўзининг Ўзбекистон мустақиллик йилларида “Зарафшон воҳасидаги тарихий обидаларни таъмирлаш” ишларига бағишланган монографиясини (2015 й.) чоп эттирган. Унда мазкур масала билан боғлиқ илмий вазифалар комплекс тарзда тадбиқ этилган.

Халқ устаси, таниқли таъмирчи меъмор Абдуғаффор Ҳаққуловнинг “Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш” (1983 й.) ва “Таъмир санъати” (1991 й.) номли китобларини ҳамда архитектор, таъмирчи уста Абдуқаҳҳор Ҳаққуловнинг “Меъморий таъмир ва кошинбурриш санъатининг фидойиси” (2016 й.) китобини алоҳида қайд этиш зарур. Ушбу китоблар бугунги кунда меъморий ёдгорликларни таъмирлаш бўйича энг зарур қўлланмалардан ҳисобланади. 2014 йилда Н.З.Толипова “Реставрация ишлари методологияси” ўқув қўлланмасини чоп эттирган. Бироқ, Ўзбекистонда меъморий ёдгорликларни таъмирлаш муаммоларига қаратилган қатор мақолалар, юқоридаги илмий тадқиқотлар, китобларнинг нашр этилганлигига қарамаздан, бу соҳада ёдгорликларни таъмирлаш

<sup>12</sup> Подьяпольский.С.С., Бессонов.Г.Б., Беляев.Л.А., Посникова.Т.М Реставрация памятников архитектуры. –М., 1988

<sup>13</sup> Асқаров.Ш.Д. Вопросы охраны и реконструкции исторических городов. АСУ. 2000, №4. –С. 35-37.

<sup>14</sup> Пўлатов Х., Уралов А. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш. –Тошкент, 2007.

<sup>15</sup> Ахмедов.М.К. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. -Тошкент, 1995.

<sup>16</sup> Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. –Тошкент, 1998й .

<sup>17</sup> Юсупова М.А. Архитектура ханакко эпохи Темуридов (к эволюции суфийских обителей Средней Азии) // ОНУ. –1997. –№3-4.

<sup>18</sup> Ширинов Т., Рузанов В., Реутова М. Международная конференция “Проблемы реставрации культурного наследия народов Средней Азии и технологии древних и средневековых ремесленных производств” // Общественные науки в Узбекистане . 1996. №1-2-3. -С.81-82.

<sup>19</sup> Усманов Б.М. Международная научно-практическая конференция на тему: “Проблемы реставрации и использования памятников архитектуры Узбекистана”, г. Самарканд // Архитектура и строительство Узбекистана. 2005. №1. -С. 12-55.

<sup>20</sup> Рахманов А.Р. Проблемы реставрации и приспособления объектов культурного наследия под современные нужды // Архитектура и строительство Узбекистана. 1995 №1. -С. 20-21.

<sup>21</sup> Набераева М.А., Набераев Ф.И. Как нам сохранить и возродить исторический центр Самарканда // Архитектура и строительство узбекистана. 2005. №1. -С. 36-37.

<sup>22</sup> Низаметдинова Д. К вопросу изучения истории, реставрация и сохранения памятников архитектуры Самарканда (конец XIX – начало XX в.)(Грани международного сотрудничества молодых ученых Академии художеств Узбекистана-на)//[http://www.sanat.orexca.com/rus/archive/3-4-06/resta\\_sam.shtml](http://www.sanat.orexca.com/rus/archive/3-4-06/resta_sam.shtml).

<sup>23</sup> Абдурашидов К.С., Рахманов Б.К. Архитектура ёдгорликлари конструкцияларини мустаҳкамлаш технологияси//Архитектура ёдгорликларининг инженерлик муаммолари. –Т., 2009. 20-22 бетлар.

<sup>24</sup> Сидоренко В. В Бухаре начинается реставрация архитектурного ансамбля Турки-Джанди//[http://www. Anons .uz/article/other/2822/](http://www.Anons.uz/article/other/2822/).

<sup>25</sup> Абриев Р.Б. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш жараёнлари. –Тошкент, 2015.

ва қайта тиклаш ишларининг технологик жараёнларига, хорижий тажрибаларни ўрганиш, таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материалларига, обидалар конструкцияларини мустаҳкамлаш, ёдгорликлардан самарали фойдаланиш масалаларининг ечимига қаратилган тадқиқотлар сони республикада жуда камчиликни ташкил қилиши ушбу мавзунини чуқурроқ ўрганиш кераклигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф.1-023 “Ўзбекистон архитектураси назарияси ва тарихи, меъморий кадриятлар ва анъаналаримизни тадқиқ қилиш ва улардан самарали фойдаланиш” (2016-2019 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини сақлаш, таъмирлаш ва қайта тиклашнинг замонавий тамойилларини яратиш ва уларни амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

меъморий ёдгорликларни таъмирлашнинг тарихий шаклланиш асосларини ва таъмирлаш назариясининг вужудга келишини ўрганиш;

хорижий ва мустақил давлатлар ҳамдўстлигида жойлашган архитектура ёдгорликларини таъмирлаш тажрибаларини ўрганиш;

меъморий обидаларнинг бузилиш сабабларини ўрганиш ва аниқлаш;

Ўзбекистонда мутахассис архитекторлар ва таъмирчи халқ усталарининг меъморий ёдгорликларни таъмирлаш тажрибаларини ўрганиш;

соҳага доир таъмирлаш ва қайта тиклашнинг турларини аниқлаш;

архитектура ёдгорликларининг конструктив ечимлари ва безакларини ўрганиш;

меъморий обидаларнинг мустаҳкамлигини сақлаш ва таъмирлашнинг асосий тамойилларини ёритиб бериш ва уларни амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистон тарихий шаҳарларида, хусусан Самарқандда таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари олиб борилган ва борилаётган барча меъморий ёдгорликлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини таъмирлаш, қайта тиклаш ва уларнинг конструктив мустаҳкамлигини сақлашнинг замонавий усуллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида статистик, қиёсий таҳлил, архив материаллари ва меъморий таъмирлаш лойиҳаларини таҳлил қилиш, кузатув, фотофиксация, ижтимоий сўровнома, интервью каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўрта Осиёда XV асрда пайдо бўлган ўзаро кесишувчи равоқлар устига ўрнатилган гумбаз – “зарба линга” конструкциясининг уч асосий, яъни гумбаз ҳажмининг кичик бўлиши, равоқлардан тушаётган юкнинг бино деворлари



бўйлаб тенг тарқалиши, бино хоналарининг кенг бўлиши каби ижобий хусусиятларга эгаллиги аниқланган;

меъморий ёдгорликлар нақшлари ва ёзувларини таъмирлашнинг кошнбурриш, тахбин, андозабурриш, парчин, мукарнас, кундал каби таъмир усуллари мавжудлиги аниқланган;

тарихий ёдгорликлар конструкциялари ва безакларини табиий ва техноген таъсирлар натижасида намликдан емирилишининг олдини олиш учун обида томларини таъмирлашда “том усти хатаба” усулини қўллаш юқори самара бериши исботланган;

Ўзбекистонда меъморий безакларнинг асосан гириҳ, ислимий ва ёзувий (эпиграфик) турлари кенг тарқалганлиги, айрим обидаларда “зооморф” (хайвон тасвиридаги) нақшларга мансуб безаклар қўлланилганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклашнинг замонавий тамойиллари аниқланган;

меъморий ёдгорликларни таъмирлашда, уларнинг конструктив мустаҳкамлигини сақлашнинг анъанавий усуллари аниқланган;

таъмирлаш ишларида қўлланиладиган қурилиш материаллари, ашёлари, таъмирлаш асбоб-ускуналари ёритиб берилган;

таъмирланаётган меъморий обидалар томларини ёпишнинг такомиллаштирилган янги усули таклиф қилинган;

архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ишларида йўл қўйилган камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган илмий ёндашув усуллари ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, илмий натижалар муайян тадқиқот усуллари асосида аниқланганлиги ҳамда кўп сонли илмий мақолаларда ўз аксини топганлиги, республика ваколатли ташкилотларида амалиётга жорий этилганлиги ҳақидаги далолатномалар билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон архитектура тарихи соҳасидаги билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга архитектура ва қурилиш олий таълим муассасаларидаги Архитектура тарихи ва назарияси, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва сақлаш, улардан фойдаланишга йўналтирилган ўқув адабиётларини тайёрлаш ва мавзуга доир монографияларни ёзишда кенг имкониятлар яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар амалиётида кенг фойдаланишда, шунингдек бизгача сақланиб қолган меъморий обидаларни таъмирлаш, бузилганларини қайта тиклаш ва улардан унумли фойдаланиш ишларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклашнинг асосий тамойиллари

(Самарқанд шаҳри мисолида)” мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маданий меърос объектларини таъмирлаш ва консервациялаш жараёнида гумбаз, равоқ ва бағал боғлаш ҳамда кошин безаклар тайёрлаш усуллари, обида томларини таъмирлашда “том усти хатаба” усулини қўллаш бўйича тавсиялар Маданий мерос департаментида таъмирлаш лойиҳаларини такомиллаштириш ва обидаларни самарали таъмирлаш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01-12-03-5023-сон маълумотномаси). Натижа архитектура ёдгорликларини самарали таъмирлаш ишларини амалга оширишнинг асосий тамойилларини аниқлаш ва такомиллаштириш имкониятини берган;

архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклашнинг замонавий тамойиллари, нақшлар ва ёзувларни таъмирлашнинг ўзига хос усуллари бўйича олинган илмий натижалар Самарқанд вилояти Қурилиш бош бошқармаси томонидан тарихий ҳудудларда қурилаётган объектларда анъанавийлик ва замонавийликни уйғунлаштиришда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01-12-03-5023-сон маълумотномаси). Натижа меъморий обидаларни сайёҳлик маршрутларига киритиш, ёдгорликлар архитектурасининг эстетик муҳити ва жозибадорлигини ошириш имкониятини берган;

меъморий мерос объектларини таъмирлаш жараёнидаги муаммолар ва камчиликлар, уларни бартараф этиш, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва қайта тиклаш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тамойиллар ТошбошпланЛИТИ ДУК томонидан маданий мерос объектларини сақлаш ва таъмирлаш ишларини бажариш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат(ШНК)ларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01-12-03-5023-сон маълумотномаси). Натижа Ўзбекистонда халқаро зиёрат туризми маршрутларига киритилган ноёб меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва сақлаб қолиш усулларини такомиллаштириш имкониятини берган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий мақола ва тезислар нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та илмий мақола, 2 та халқаро журналларда ва 4 та тезис конференция материалларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Иловада меъморий атамалар луғати, таҳлилий жадваллар, расм ва чизмалар келтирилган. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсиф-

ланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларга мослиги, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилиниб, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг **“Меъморий ёдгорликларни таъмирлашнинг тарихий шаклланиш асослари”** деб номланган I бобида меъморий ёдгорликлар, уларни таъмирлаш тушунчаларининг пайдо бўлиши, таъмирлаш назариясининг илк шаклланиши, меъморий обидаларнинг бузилиш сабаблари, чет эл ва МДХ мамлакатларида обидаларни таъмирлаш тажрибалари тадқиқ қилинган.

Тарихий биноларга обида, яъни маданий мерос объекти сифатида қараш фикри Европанинг “Уйғониш даври”да юзага келади. Бироқ, бу даврда ҳали тарихий биноларни обида сифатида қадрлаш ва авайлаб-асраш қонуний кучга кирмайди. Тарихий объектларга бўлган муносабат XVII асрга келиб тубдан ўзгаради, фандаги илмий тавсифлаш тамойиллари тарихий объектларга ҳам тадбиқ қилинади. XVIII асрда Винкелман “Қадимиятнинг санъат тарихи” номли китобини ёзади. Бу даврга келиб шикастланган ёки бузилган меъморий обидаларни таъмирлаш алоҳида соҳа тарзида шаклланди. XIX асрда аввал Римдаги қисман бузилган Колизей иншооти, сўнгра Тит равоғи таъмирланади. XIX аср ўртаси ва унинг иккинчи ярмида таъмирлаш ишлари ўрта аср обидаларини ҳам қамраб олади. Бироқ, Франциядаги инқилоб даврида обидаларга феодализм асорати сифатида қаралиб, кўп ҳолларда улар бузиб ташланади. Обидаларни бузишга қарши қонун Францияда расман 1793 йилда қабул қилинсада, баъзи ҳолларда уларни бузишга ҳам рухсат берилди.

Ўрта аср обидаларини таъмирлаш XIX аср бошидан амалга киради. Бу жараён турли мамлакатларда ўзгача бўлган. Англияда, масалан, таъмирланаётган обидалар асл ҳолига келтирилмай, фақат “яхшиланган”. Францияда эса обида қисмлари эркин талқин қилинган ҳолда тикланган. XIX аср ўртасига келиб таъмирлаш ишларида яна қатор муаммолар пайдо бўлади. Биринчиси, обиданинг қурилмай қолиб кетган ёки йўқ бўлиб кетган қисмларини қай даражада тиклаш масаласи бўлса, иккинчиси обидага кейинги даврларда қўшилган қисмларга меъморий муносабат эди. Бу муаммолар устида қизғин баҳслар бўлиб, таъмирлаш назариясининг асослари шакллана борди. Инглиз адиби ва танқидчиси Жон Рёскин таъмирлашни ҳатто танқид қилиб чикди. Унинг фикрича, “таъмирлаш ўрнига обидага муттасил қараб туриш, иложи бўлмаганда эса обида йўқ бўлаётганини кузатиш лозим” деб ҳисоблади. Француз археологи Адольф Дидрон эса “таъмирчининг ҳуқуқларини чеклаб туриш керак” деб ҳисоблаган. У обидани кейинги қўшимчаларидан тозалаб “стилистик яхлитликка эришиш”ни ҳам қоралади ва хатодан сақланишнинг биргина йўли ўрта аср обидаларини пухта ўрганиш, деб билади<sup>26</sup>. Аслиятга тақлид қилиш, ундан нусха олиш ҳам хатолар олдини олиш, деб тушунилди. Шу тариқа тарихий обидани унга “ўхшаш (аналоги) бўйича таъмирлаш” усули вужудга келди.

<sup>26</sup> Подьяпольский С.С. и др. Реставрация памятников архитектуры. -М.,1988.-С.16

XIX аср ўртасида Европада “стилистик ёки романтик таъмирлаш” усули кенг тарқалади. Бироқ, аср охирига келиб, бу усулга норозилик пайдо бўлди, чунки бу усулда ёдгорлик ўрнига унга ташқи жиҳатдан ўхшаш бўлган янги бино вужудга келарди. Бу эса обиданинг тарихий қиммати ва аслигини йўқотиш билан баробар эди. Италиялик Камилло Байто бунга муносабат билдириб, меъморий таъмирлашга қўйиладиган талабларни ўта қаттиқ қўяди: дастлабки ва кейинги қисмларни стилистик жиҳатдан фарқлаш, обиданинг таъмирланган қисмларини махсус белги ва ёзувлар билан ажратиш қўйиш ва ҳоказо.

Австриялик Алоиз Риглюнинг фикрича, ёдгорликнинг фақатгина энг қадимги қисмлари эмас, балки ундан кейинги қисмлари ҳам қимматлидир<sup>27</sup>. Бу эса таъмирчиликда “вақт чегараси” тушунчасининг англашилганлигини билдириб, ёдгорликлардаги кейинги ўзгаришларни ҳам сақлаб қолиш зарурлигини англатди. XX аср бошларида бу услуб “археологик” усул деб аталган. Археологик таъмирлашнинг асосий тамойилларини италиялик Густаво Жованнони ишлаб чиқди ва бу тамойиллар 1933 йилда Афинада ўтказилган халқаро архитекторлар конгрессида Ле Корбюзье ва Дьобинилар тайёрлаган “Таъмирлаш хартияси”нинг асосини ташкил қилди. Г.Жованнони таъмирлашни беш турга ажратади: мустаҳкамлаш (консервация), анастилоз, очиш, тўлдириш ва янгилаш<sup>28</sup>. Янгилаш деб таъмирлашнинг айнан ўзи эмас, балки уни утилитар мақсадларга “мослаштириш” тушунилади.

Шундай қилиб, тарихий биноларни маданий меърос объекти сифатида тан олиш, уларни таъмирлаш асосларининг шаклланиши ва бу соҳадаги амалий ишлар узоқ тарихий йўлни босиб ўтиб, қизгин баҳс ва музокаралар асосида бизгача ривожланиб келган.

Мазкур бобда шунингдек, меъморий обидаларнинг бузилиш сабаблари ҳамда чет эл ва МДҲ мамлакатларида меъморий обидаларни таъмирлаш тажрибалари ҳам ўрганилган<sup>29</sup>. 1994 йилда Германиянинг Лейпциг шаҳрида тарихий обидаларни сақлаш ва таъмирлаш ва шаҳарларни янгилаш бўйича илк бор Европа ярмаркасига асос солинди. Ҳозирда ушбу ярмарка Европа реставрация бозорини ривожлантириш инструментига айланган.

1997 йилда Германиянинг Веймар “Баухаус” университети билан ТАҚИ ўртасида ҳамкорлик шартномаси тузилган. Унга кўра Самарқанддаги Шоҳизинда мажмуасининг “Шоди-Мулк оға” мақбараси тўлиқ таъмирланган. Ўзбек-немис ҳамкорлигининг яна бир натижаси Самарқанддаги Тиллакори масжид-мадрасасининг техник конструктив ҳолатини ўрганиш ва пойдеворини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларидир. Тош материаллардан қурилган тарихий обидаларнинг деворларини таъмирлашда қўлланиладиган инъекциялаш кўпikli қоришмаларни “Баухаус” университети олимлари яратган бўлиб, унинг асосини минерал боғловчи моддалар суспенцияси ташкил қилади. Немис олимлари ишлаб чиққан “Терпомал” махсус тизими тарихий

<sup>27</sup> Ўша асар 28-б

<sup>28</sup> Подьяпольский С.С. и др. Реставрация памятников архитектуры.-М.,1988.-С.26

<sup>29</sup> Самиғов Н.А., Тўлаганов А.А., Раҳмонов А.Р., Комилов Х.Х. Бино ва иншоотларни таъмирлашда чет эллар тажрибалари. – Тошкент, 2005.

иншоотлар фасад қисмида намланган жойлардаги туз кристалларини йўқотиш ва кристалланишнинг олдини олиш учун яратилган. Бу тизим Германиянинг кўпгина объектларида ўзининг ижобий натижасини кўрсатган.

Диссертациянинг **”Ўзбекистон архитектор олимлари ва халқ усталарининг таъмирлаш тажрибаларини ўрганиш”** деб аталган II бобида Ўзбекистонда меъморий ёдгорликларни ўрганиш ва таъмирлаш тарихи, таъмирлаш турлари, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш назарияси, халқ усталарининг меъморий ёдгорликларда олиб борган таъмирлаш ишлари ўрганиб чиқилган ва тегишли хулосалар қилинган.

XX аср бошида Ўзбекистонда машҳур меъморий ёдгорликлар ва манзилгоҳлар халқ мулки деб эълон қилинган ва давлат назоратига олинган. 1920 йилда ёдгорликларни илмий ўрганиш ва таъмир этиш ишлари учун Туркистон осори-атика, санъат ва табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш кўмитаси “Туркомстарис” ташкил этилган. Кейинроқ у “Средазкомстарис”, сўнгра “Узкомстарис” деб аталган. 1923 йил 8 мартда Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг “Қадимият ва санъат ёдгорликларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш ҳақида”ги декларацияси эълон қилинган. Туркомстарис ва унда ишлаган мутахассис олимлар томонидан дастлаб меъморий ёдгорликларнинг муҳофаза рўйхатлари тузилган<sup>30</sup>. Бу ишларда турли хил даврда В.Л.Вяткин, М.Ф.Мауэр, М.Е.Массон, Б.Н.Засипкин, А.П.Удаленковнинг ўлчов ишлари, нақшинкор қопламалар ва ўймакор ишларни қайд этувчи рассомлар И.С.Казаков, А.В.Исупов, М. В.Столяровлар иштирок этганлар. Таъмир ишларини олиб боришга халқ усталари, меъмор-курувчилар Абдуқодир Боқиев, Ширин Муродов, Юсуфали Мусаев, Болта Жураев, Жалол Жўраев, Қули Жалилов, меъморчилик, кошинкорлик ва таъмирлашда катта тажрибага эга усталар – Шамсиддин Ғофуров, Акрам Умаров, Ота Полвонов, Мирхамид Юнусов, Тошпўлат Арслонқулов ва бошқалар жалб қилинган.

Ўша пайтларда қурилганидан буён таъмирланмай хароба ҳолида бўлган ва фойдаланишга ярамай, ташландиқ ҳолида қолиб кетган ёдгорликлар жуда кўп эди. Шу муносабат билан меъмор-муҳандислар аввало авария ҳолатида бўлган ёдгорликлар қисмларини сақлаб қолишни ўз олдиларига мақсад қилиб олади. Бу даврда Ўзбекистонда халқ усталарининг фаол иштироки билан маҳаллий таъмирлаш мактаби ташкил этилди ва шаклланди. Ёдгорликларни таъмирлаш, консервациялаш, муҳандислик жиҳатидан мустаҳкамлаш бўйича маълум анъаналар, қоидалар ва усуллар юзага келди. Ўзбекистон меъморий ёдгорликларини таъмирлаш илмий услубининг назарий пойдеворини таниқли олим, архитектура мутахассиси Б.Н. Засипкин қўйди. Унинг кўп йиллик кузатишлари ва амалий тажрибаси қатор илмий нашрларда ўз ифодасини топган.

XX асрнинг иккинчи ярми Ўзбекистон халқларининг бадиий меъморий меросини англаб етишнинг узлуксиз юксалиши билан ифодаланади. 1960-1970 йилларда Самарқандда меъморий обидаларни тузатиш – таъмирлашга қаратилган қуйидаги ишлар бажарилди:

---

<sup>30</sup> Аброев Р.Б. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш жараёнлари. –Тошкент, 2015.

1. Улуғбек мадрасасининг (XV аср) шимолий-шарқий минораси тикланди. Унинг баландлиги ер юзидан 32,7 м бўлиб, ушбу минора шимолий-шарқ томонга оғиб қулаш ҳолатида эди. 1932 йили уч йиллик тайёргарликдан сўнг минорани тиклашга киришилди. Уни тиклаш ишларида В.Г.Шуховнинг кинематик схемасига асосан, муҳандис М.Ф.Мауэр бошчилигида ўтади. Минора “оғирлик марказини” силжитиш методи билан тикланади.

2. 1965 йил муҳандис олим Эммануел Мендельевич Гендельнинг раҳбарлигида яна шу Улуғбек мадрасасининг жанубий-шарқий минораси тикланиб, қулашдан асраб қолинди. Бунда Самарқанддаги таъмирлаш устахонаси таъмирловчиларининг хизмати ҳам катта бўлган.

3. 1972 йили муҳандис Э.М.Гендель раҳбарлигида “Бибихоним” масжидининг шимолий-ғарбидаги минора тикланади. Шу билан бирга 1969 йилдан бошлаб Бибихоним масжидида муҳандислик конструкциялари ишлари бошланиб, масжиднинг улкан кириш пештоқи, дарсхоналари ҳамда ҳовлининг ғарбида жойлашган катта масжид биносининг конструкция ишлари ҳамда таъмир ишлари бажарилади.

4. 1970 йили мутаффақир шоир А.Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан Регистон майдонида ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари бўлиб ўтади. Улуғбек, Шердор ва айниқса Тиллакори масжид-мадрасалари таъмирланади. Бу ишларда Самарқандлик меъмор усталар Иброҳим Шермуҳаммедов, Анвар Кулиев, Абдуғаффор Ҳаққулов, Абдуқаҳҳор Ҳаққулов, мрамар иши усталари Карим Облоқулов, Ўзбекистон қаҳрамони Мирумар Асадов, таъмирчи усталар Р.Юнусов, А.Фаттаев, М.Маҳмудов, Э.Нуруллаев, Ғ.Муҳаммедов, Қули Тоиров, Олим Комилов, Саъдулло Аҳмедов ва бошқалар қатнашадилар. 1983 йилда Ўрта Осиёда илк бор Тошкент давлат театр ва рассомлик институтида “Архитектуравий нақшларни таъмирлаш” бўлими очилиб, унда наққош таъмирчи-рассом мутахассисларни тайёрлаш йўлга қўйилди<sup>31</sup>. Шундан сўнг кўп ўтмай 80-йиллар бошида таъмирлаш бўйича Маъданият вазирлиги ҳузурида обидалар меъморий нақшларини Ўзбек архитектура бадиий тажриба устахонаси ташкил этилади.

Меъморий обидаларни таъмирлаш ва сақлаб қолиш ишларида 1979 йилда Тошкентда очилган “Ўзтаъмиршунослик” илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтининг аҳамияти катта бўлади. У ўз фаолияти давомида нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёдаги кўплаб таъмирталаб архитектура ёдгорликларини таъмирлаш, сақлаш ва мослаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиб, амалга оширади. Мустақилликнинг ўтиш давридаги иқтисодий тақчилликлар туфайли мазкур институт фаолияти 2003 йилда барҳам топди ва 2004 йилда ушбу институт негизида “Таъмиршунослик” акционерлик жамияти ташкил этилди.

XXI аср боши (2001-2006 йиллар)да Самарқандда таъмирталаб объектларни реставрация ва консервация ишлари мунтазам равишда амалга оширилди. Жумладан, шу йиллар давомида Шохизинда мажмуаси, Ҳазрати Ҳизр масжиди, Бибихоним, Регистон мажмуасидаги айрим объектлар, Мирзо Улуғбек

<sup>31</sup> Пўлатов Х., Уралов А. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш. –Тошкент, 2007.

расадхонаси, Ал-Бухорий мажмуаси, Ал-Мотуридий маданий мерос объекти, Маҳдуми Хоразмий маҳалла масжиди, Қўш Ҳовуз, Хўжа Дониёл, Хўжа Аҳрор Валий мажмуалари, Нодир Девонбеги мадрасаси ва бошқа маданий мерос объектлари таъмирланди ва фойдаланишга мослаштирилди. 2007 йилда Оксарой мақбараси, Тиллакори масжид мадрасаси, Сароймулкхоним мақбараси каби объектларда катта ҳажмдаги тиклаш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. 2009 йил давомида Регистон мажмуасидаги Шердор, Улуғбек мадрасалари, Руҳобод мажмуаси ва бошқа жами 25 та объект бўйича таъмирлаш ва мустаҳкамлаш ишлари олиб борилди.

Меъморий ёдгорликларда қўлланиладиган таъмирлаш ишлари беш хилга: тузатиш (ремонт); консервация (қотириш); таъмирлаш-тиклаш ишлари; очиш; тўлдиришга бўлинади. Тузатиш – оддий қурилиш ишларидир. Кўпинча тузатиш жараёнига таъмир ишлари ҳам қўшилади: аввалги қисмларни очиш, айрим қисмларни тиклаш ва ҳ.к. Консервация – ёдгорликларни бор ҳолича сақлаб қолиш, кейинги бузилишларга йўл қўймаслик ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида олиб борилади. Таъмирлаш-тиклаш ишлари консервация ва тузатишни ҳам ўз ичига олади. Кўпинча гумонсиз тўла тасдиқланган қисмларгина тикланади. Бундай таъмир жуъзий (ёки фрагментар) таъмир дейилади. Бунда консервация каби икки жараён: обидани очиш ва бузилган қисмларни тиклаш жараёнлари бажарилади. Очиш- фақатгина олиб ташланадиган қатламнинг кам қийматлилигини ва аксинча очиладиган қатламнинг катта қийматга эга эканлиги муҳокамада тан олинсагина очилади. Тўлдириш – йўқолган қисмларни тиклашдир. Тўлдиришга ишлатиладиган янги ашёларни мавжуд эскиларидан ажратиш учун сигнация қўлланилади. Янги қўшимчаларни ранги ва фактураси билан ажратиш археологик ёдгорликларда қўл келади. Сигнацияда ҳамма янгиликлар эмас, балки муҳим янги қўшимчалар ажратилади.

Ўзбекистон архитектор олимлари ва халқ усталарининг таъмирлаш тажрибаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, таъмирга муҳтож ҳар қандай обиданинг энг аввало бузилиш сабаблари аниқланиши, улар бартараф этилгандан сўнггина таъмирлаш ишларига ўтиш мумкинлиги қайд этилган.

Тадқиқотнинг III боби **“Архитектура ёдгорликларининг конструктив ечимлари, уларда қўлланилган безаклар, қурилиш материаллари ва ашёлари”** деб номланган. Унда архитектура ёдгорликларининг конструктив ечимлари ва безаклари, меъморий обидаларни таъмирлашда қўлланилган қурилиш материаллари ва ашёлари, хусусан ганч хиллари ва қоришмаларини тайёрлаш, кошин тахтаси ва кошинни тайёрлаш каби масалалар ўрганилган, тадқиқ қилинган ва ёритиб берилган.

Ўзбекистон меъморий обидаларининг конструктив қурилмаларига пойдеворлар, курсилар, деворлар, пештоқлар, равоқлар, тоқлар, гумбазлар, равотак (аркатура)лар, устунли-тўсинли ва синчли конструкциялар киради. Обидаларнинг пойдеворлари табиий тошдан, пишиқ ғиштдан ишланган бўлса, уларнинг курсилари ҳам, одатда, ушбу материаллардан бажарилган. Деворлар антик ва илк ўрта асрлар ёдгорликларида пахсадан, пахса блоклари ва хом ғиштлардан, ўрта асрларга келиб (IX-X аа.) хом ва пишиқ ғиштлардан ишланган. Зилзи-

лали худудларда турар жой биноларининг деворлари ёғоч синч ва гувалалардан ҳам бажарилган. Масжид, мақбаралар ва хонақоҳларнинг томлари гумбазли қурилмалардан ишланган.

Равоқ, тоқ ва гумбазлар ўрта асрларда пишиқ ғиштлардан тикланган бўлса, қадимги ва илк ўрта асрларда улар хом ғиштлардан ҳам ишланган. Ўрта Осиё гумбазлари турли-туман бўлиб, энг кўп қўлланилганлари чорсу гумбаз, мирзойи ва балхи гумбазлардир. Махрут (конусимон) гумбазлар (улар “гумбази Туркистони” деб ҳам аталади) камроқ учрайди. Бўйи ва эни бир хил (квадрат) бўлган хоналар томи одатда “чархи гумбаз”, бўйи энидан узунроқ (тўғри тўртбурчак) ва баландлиги пастқам хоналарнинг томлари эса “балхи гумбаз” билан ёпилган. Чархи гумбазнинг баландлиги гумбаз ярим кенглигидан ортиқ бўлса “мирзои гумбаз” қўлланилган.

Ўрта Осиёда XV асрга келиб гумбазли қурилмаларнинг бу ўлкада аввал қўлланмаган янги тури бир-бирини кесувчи равоқлар устига ўрнатилган гумбаз – “зарба линга” вужудга келди. У уч асосий ижобий хусусиятга эга: ёпиладиган катта зал ўлчамларига нисбатан гумбаз ўлчамининг анча кичик бўлиши; равоқлар елкаларидан тушаётган юкнинг саккиз нуқтага мужассамланиб бино деворлари бўйлаб тенг тарқалиши; бино хоналарини кенгайтириш, улардан унумли фойдаланиш ва интерьерни янада гўзал қилиб ишлаш учун қулай имкониятларнинг яратилиши.

Бинонинг зилзилабардошлигини таъминлаш учун обидалар тарҳи квадрат, тўғри тўртбурчак, бўйлама ўқли ҳовлили, мунтазам симметрик режаларда ишланган. Бино курсиси устидан ёғоч тўсинлар ёки қамиш қатламлари ётқирилиб, улар зилзила кучини юмшатувчи ёстикчалар ролини бажарган. Пишиқ ғиштларни теришда кенг қўлланилган ганчкор қоришмалар ҳам эластик хоссага эга бўлиб, зилзила кучини сусайтиришга маълум маънода хизмат қилган.

Ўзбекистонда меъморий безак(нақш)ларнинг асосан уч турдаги гуруҳи: гирих, ислимий ва ёзувий (эпиграфик) турлари кенг тарқалган. Баъзи обидаларда “зооморф” нақшлар, яъни турли ҳайвонлар (семурғ қуш, кийик, шер ва бошқалар) ишланган кошинбурриш безаклари ҳам учрайди.

Безакларни шартли равишда ташқи ва ички безакларга бўлиш мумкин. Меъморий ташқи безаклар асосан ғишткор бўлиши, сиркор терма кошин (мозаика), сиркор яхлит парчин (майолика) ёки лойни ўйиб пиширилган сиркор безаклар (резная поливная майолика)дан, шунингдек тошга ўйиб ишланган нақшлардан тузилса, ички безаклар бажариладиган материалга қараб кошинда, ганч ёки ёғочда, ганчни, тошни, ёғочни ўйиб ёки бўяб, шунингдек, деворий сувоқ устига бўяб ишланган. Ана шу хусусиятларга қараб меъморий безакларни бир неча алоҳида турларга, яъни ғишткорий, кошинкорий, кошинбурриш, ганч ва ёғоч ўймокорлиги безаклари, деворий рангтасвир, тоштарошлик, муқарнас ва кундал безакларга бўлиш мумкин.

Ўзбекистон меъморий обидаларини таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материалларига асосан махсус тайёрланган пишиқ ғиштлар, кошин ва кошинбурриш ғиштлари, ангоб, қоришмалардан лой ва ганчҳок (ганч ва лой аралашмаси), ганч қоришманинг мустаҳкамлигини ошириш учун унга қўши-



ладиган ширеч елими ва кум киради. Махсус тайёрланган пишиқ ғиштлар обиданинг деворлари, равоқ ва гумбазлари, минораларини тиклашда қўлланилса, ганч қоришмалари уларни теришда, кошин ва кошинбуррушлар эса обида нақшларини тиклаш ва таъмирлашда фойдаланилади.

Меъморий нафосат оламининг яратилишида кошинбурришнинг аҳамияти, қанчалик катта бўлса, кошинлар сиртининг мавжланишида ангобнинг ҳикмати ҳам ўшанчалик беқиёсдир. Ангоб оқ рангдаги бўёқ бўлиб, у суюқ тайёрланади. Юзига ангоб суртилган кошин ва кошинбурришлар ҳар қандай совуққа ва намликка чидамли бўлиб, ўз ранги ва шаффофлигини йўқотмайди. Уларнинг асрлар оша сақланиб бузилмай, ранги ўзгармай келишининг сири ҳам ана шундадир.

Диссертациянинг **“Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш, қайта тиклаш ва конструктив мустаҳкамлигини сақлашнинг замонавий тамойиллари (усуллари ва қоидалари)”** деб аталган IV бобида меъморий ёдгорликларнинг конструктив мустаҳкамлигини сақлаш, уларни таъмирлаш ва тиклашнинг асосий тамойиллари, ёдгорлик пойдевори, деворлар, пештоқлар, равоқ, тоқ ва гумбазларни ҳамда ёдгорлик томини мустаҳкамлаш, обидаларнинг безаклари ва ёзувларини таъмирлаш услубияти баён этилган ва асослаб берилган.

Диссертацияда исталган меъморий обидани таъмирлаш ва қайта тиклашда обиданинг бузилиш сабабларини ўрганиш, уларни бартараф этиш йўлларини аниқлаш, таъмирланаётган обиданинг том устини ёпишда ёмғир ва қор сувларининг бино конструкцияларига таъсир кўрсатмаслик чора тадбирларини қўллаш ва шулар асосида ёдгорликнинг конструктив мустаҳкамлигини сақлаш бош тамойил сифатида белгилаб қўйилган.

